## ТЕЁТР НАДУР?

Теётр нимадур? Жавобига теётр ибратнамодур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойинадурки, умумий холларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб кар-кулоксизлар эшитиб, асарланур. Хулоса: теётр ваъз ва танбих эггувчи хамда зарарлик одат, урф ва таомилни, кабих ва зарарини аёнан кўрсатгувчидур. Хеч кимни риоя килмасдан тўгри сўйлагувчи ва очик хакикатни билдургувчидир. «Кул-ал-хакка ва лав кона (ва) мароан» мазхаридур. Айни замонда яна тамошогох ва ёинки кўнгул очгувчи миллий ва адабий жамъиятларни боисидур.

Тараккий килган миллатлар теётрхоналарни улуглар учун мактаби адаб ва ибрат атайдурлар. Тараккий килмокни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири теётрлардур деюрлар. Теётрларнинг яхши ва ямон одатларни сарроф ва мунаккиди дерлар. Умумий одатларни нафъи ва зараридан пайдо бўлатургон натижаларни теётрхонада айнан кўрсатурларки, хар ким мундан таъсирланиб, ямон одатларни тарк этиб, яхшиликни зиёда ишламокга сабаб бўлур.

Хар замонни бир усули эхтисоби бордур. Бу замонда теётрхоналар хам ямон ва зарарлик одатларни эхтисоб ва танкид килиб ямонлигини, кабихини халойикга кўрсатиб ваъз ва насихат этгувчи бир жойдур. Тёётрхона сахналаринда кўюлатургон асарлар фожеа, яъни кайгулик, мазхака, яъни кулгу, драма, яъни хангомалик бир вокеа ва ходисани тасвир этиб, халойикга кўрсатилур. Ул вокеадаги ямонлик ва яхшиликни пайдо бўлгани ва сабабини хар ким кўруб, англаб, ибрат олур ва ямонликдан кочиб, яхшиликга харакат килмокга, теётрда кўрсатилгон вокеалар сабаб бўлур.

Хикоят ва ёинки насихат китобларинда баъзи бир ходисани баён килингандурки, ўкуб, асарланиб, лаззат олинадур. Аммо теётрга махсус бир ходиса ва ё вокеа ва хикоятни феълан килиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур. (Шунидан кай буд монанди дийдан — эшитмок качон кўрмок кабидур.) Яна теётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўзсиз одам эшитиб, кар мушохада этиб, ибрат ва лаззат олар. Хулоса: теётр бир навъ мактаб хукминдадур.

Тараккий килган халклар ўртасинда теётр у кадар тараккий этকандурки, хар кун бир янги асар тасниф бўлуб; сахнада кўюлур. Асарни ёзган мухаррирга минг сўм ва ўн минг

сўмлаб хадя бериб, асарини мушаххислар сотиб олиб, сахнада кўюб фойда киладурлар. Баъзи бир теётр асарлари эски бўлмай ва халойикни кўнглига урмай, бир шахарда йигирма-ўттиз, хатто, юзинчи дафъа кўюлганлари бордур. Театрга кўюлгон асарни ортукча ва ё оз ерларини ва етишмаганларини маишати миллиядан хориж нукталарини мухаррирлар, жаридалар ила танкид этадурлар. Халойикга маъкул бўлуб ва ё бўлмагани ила теётр мухарририни хурсанд ва ё гамлик бўлур, Мухаррирни асари яхши чикса, хар ким они табрик этар ва шухрати зиёда бўлур. Ва бул бошка мухаррирларни харакатга келишиб, яхши асарлар ёзмокларига боис бўлур. Теётр учун мухаррирни не кадар чукур ўйлагувчи зариф ва назокатлиги лозим бўлса, мушаххис (ходисани кўрсатгучи)ларни хам тавоно ва мукаллид ва хар нимарсани ўзидек килиб кўрсатгучи, нуктадон бўлиши лозим бўлиб, бул алохида бир санъатдурки, овруполилар мунга хам алохида мактаб ижод килгандурлар.

Сўзни кискаси, теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушаххис бўлатургонлар «ўюнчи ва масхарабоз» бўлмай, балки мушаххис ва муаллими ахлокдурлар. Тараккий килган халойик орасинда мушаххислар хам кибор ва мухтарам синфлар каториндадур. Хусусан, ўз киссаси нафъига мушаххислик килмай, балки мактаб ва ўз миллати нафъига мушаххислик килганларни кадри ду боло зиёдадур.

Бизни Туркистон ва Бухорода миллий теётрдан асар йўк эди. Мухаррири ожиз «Падаркуш»ни ёздики, ўтган феврал ойинда Самарканд, Хўканд, Бухоро ва Тошканд ва Каттакўргон шахарларинда миллат нафъи учун кўнгуллилар сахнада кўюб, тўрт-беш минг сўмни тўрт-беш кечада жамлаб, мактаблар фойдасига бердилар. Мана-энди мухтарам Самаркандий кўнгулли мушаххислар гайрат килиб, яна «Падаркуш»ни Самаркандда еттинчи мойда сахнага кўюб, хосилини мактабларга сарф учун бердилар.

Мухтарам хамшахарларимиздан рижо этармизки, келиб кўргонлари гунах бўлгон жойини кўрсатсалар. Инчунун, асарни танкид этиб, бузук ерини матбуот ила баён этсалар, токи боиси ислох бўлинса. Аммо бу кунгача мухтарам ахли калам «Падаркуш»ни бузук ерини кўрсатмай, балки «кулдургучи ва хам йиглатгучи носих ва нофеъ асардур» холинда табрик ва такризлар ила ёздиларки, биз аларга ташаккур айтармиз. Асаримизни кабихини ёзгон кишига зиёдарок ташаккур этмокга мадюнмиз, чунки боис ислохдур. «Мутакаллимро тоайб нагиранд— суханаш ислох напазирад» («Сўз сўйлагувчини айб этмагунча, сўзи тузалмайдур»). Баъзи бир ахли ватаннинг теётр асари ёзмокга машгулликлари эшитилурки, асарларига чахор-чашм ила мунтазирмиз. Ёзилган асарларни кўнгулли дасталари сотиб олиб бостурсалар, фойда хам киладурлар. Чунки бир кишига хам асар ёзиб, хам бостуруб ва хамда сахнада кўйдурмок мушкулдур. Дасталар сотиб ола берсалар, асарда кўпаюр. Туркистонда ойинда бир асар тахрир бўлинса-да, кўблик килмайдур.

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 29-сон, 550—553 бетлар.*